

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг йиғилиш  
БАЁННОМАСИ № 20

Тошкент шаҳри

22.07.2022й.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари туғрисида”ги қонунига мувофик ва  
университетнинг 2022 йил 3 мартағи № 75У-сонли бўйрури асосида тайинланган комиссия  
таркиби:

йиғилиш раис: - Б.Собиров

йиғилиш котиби – Д.Кучкаров

Давлат харидлари буйича комиссия аъзолари:

3. Х. Ирисметов

4. Н.Палвонов

5. С.Доттоев

6. М.Ўрозов

**кун тартиби:**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг 2022 йил 14 июлдаги Энг яхши таклифдан чиққан №17545-сонли лот ракам  
билин университетнинг Яккасарой тумани Муқумий кўчаси 96/9-уда жойлашган талабалар  
турар жойининг том қисмини жорий таъмирлаш объектини назорат ўлчовидан ўтказиш буйича  
баённомани муҳокама қилиш тұғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тұғрисида”ги  
684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг 2022 йил 22 июлдаги №20 сонли баённомасида белгиланган вазифалар  
ижросини таъминлаш мақсадида

**ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Давлат харидларининг электрон тизимга муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида  
танлаш иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб  
тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети молия иктисод ишлар  
бўйича проректор, комиссия раиси (Б.Собиров), бош инженер (Х.Ирисметов), бош хисобчи  
(Н.Палвонов), АТМ бўлими бошлиғи (С.Доттоев), таъминот бўлими бошлиғи (Д.Кучкаров),  
бош энергетик (М.Ўрозов)лар, «І'РОТЕКА-С'ОНСТРУКЦИОНЫ» МЧЖ билан 1.990.000,0  
(Бир миллион тўққиз юз тўқсан минг) сўмга ҚҚС билан шартнома тузишга карор килди.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети комиссияси котиби  
(Н.Палвонов) муҳокама натижалари тұғрисидаги ахборат асосида харид комиссиясининг  
тегишли мажлис баённомаси ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида  
Давлат харидларининг электрон тизимиға жойлаштиурсин.

4. Ушбу баён карори бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

1. Раис:  Б.Собиров.  
2. Х.Ирисметов  
3. Н.Палвонов  
4. С.Доттоев  
5. Д.Кучкаров  
6. М.Ўрозов

**НАЗОРАТ ЎЛЧОВИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА**  
**1143/22 сонли ШАРТНОМА**

Тошкент вил.

«22 07 2022 й.

Низом асосида фаолият юритувчи ва бундан бўён «Бажарувчи» деб аталувчи «ГРТЕКА-C'ONSTRUCTIONS» МЧЖ номидан жамият директори Ш. Ярмухамедов бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи ва бундан бўён «Буюртмачи» деб аталувчи **НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ** номидан ректор А.Киргизбек иккинчи томондан, куйидагилар хақида мазкур шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи» нинг топшириғига кура, мазкур шартномада белгиланган муддатларда қиймати 144 821 828 сум қуйидаги объектни курилишда назорат ўлчовидан ўтказишлик мажбуриятини олади:

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ЯККАСАРАЙ ТУМАНИ, МУКУМИЙ КУЧАСИ 96/9-УЙДА ЖОЙЛАШГАН  
ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИННИГ ТОМ КИСМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ  
ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ УЛЧОВИДАН УТКАЗИШ**

«Буюртмачи» эса, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва хақ тўлаш мажбуриягини ўз зиммасига оладилар.

1.2. Хизматларни амалга ошириш муддати: «Буюртмачи» томонидан 30% тўлови амалга оширилганидан ва зарур хужжатлар тўлиқ хажмда тақдим этилганидан кейин 2 кунлик муддат ичида бошланади ва 3 кунлик муддатда ичида тулиқ якунланади.

1.3. Кўрсатилган муддат «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.2. моддалари бузилган ҳолларда узайтирилиши мумкин.

1.4. Шартнома 2022 йил 31 декабргача юридик кучга эга.

**2. Бажариладиган ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби**

2.1. Мазкур шартнома буйича бажариладиган ишларнинг қиймати: **1 990 000 (Бир миллион түккиз юз туксон минг сўм) ни ҚҚС билан, ташкил қиласи**.

2.2. «Буюртмачи», мазкур шартнома имзоланганидан ҳамда тегишли тартибда расмийлаштирилганидан сўнг 2 иш кун давомида «Бажарувчи» нинг ҳисоб ракамига 30% микдорда аввалдан пул утказиб беради.

2.3. Қолган 70 % тўлов «Бажарувчи» томонидан хизматлар тўлиқ бажарилганидан сўнг ҳамда курилишда назорат ўлчови амалга оширилганлиги тўғрисидаги Далолатнома, Таккослаш далолатномаси ва Ҳисоб фактура тақдим этилганидан сўнг, «Буюртмачи» томонидан 5 кунлик муддат ичида амалга оширилади.

**3. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

3.1. Ишлар бажарилганидан кейин «Бажарувчи» «Буюртмачи» га назорат ўлчови ишлари буйича натижаларни тақдим этади.

3.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар буйича натижаларни қабул қилишига келмаган холатда, «Бажарувчи» ишлар натижасини, шунингдек «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган хужжатлар мажмуини тегишли равишда сақланишини, ишлар натижасини «Буюртмачи» қабул қилиши лозим бўлган кундан бошлаб, 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида таъминлайди.

3.3. Ишлар бажарилишининг якунланиши ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси билан расмийлаштирилади.

3.4. «Буюртмачи» томонидан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси имзоланмаган тақдирда, «Бажарувчи» бу холатни кайд этиб, кўрсатилган хужжатларни буюртмачига илова хати билан биргаликда «Буюртмачи» нинг манзилига юборади.

3.5. «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.4.-моддасида кузда тутилган буюртма илова хати билан юборилган хужжатлар имзоланмаган ёки ёзма жавоб берилмаган тақдирда. «Буюртмачи» га хат юборилган кундан бошлаб 10 календар утгандан кейин, мазкур шартнома буйича ишлар бажарилган ҳисобланади.

#### **4. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. «Бажарувч» мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тегишли бўлган сифатда ва шартномада кўрсатилган муддатларда бажариши зарур.

4.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи» га мазкур шартнома бўйича кўзда тутилган ишларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек барча хужжатларни тўлиқ хажмда тақдим этиши, «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишларни қабул килиши ва мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда тўловни амалга ошириши лозим.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, «Буюртмачи» хамда «Бажарувчи» Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликка тортиладилар.

5.2. Агар «Бажарувчи» ишларнинг бажариш муддатларига риоя қиласа, у холда хар бир кунига «Буюртмачи» га бажарилмаган ишлар қийматининг 0,4% микдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.3. Агар «Буюртмачи» бажарилган ишларининг хакини ўз вақтида тўламаса, хар бир кунига ўз вақтида тўланмаган суммасининг 0,4% микдорида, лекин тўланмаган суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.4. Мазкур шартнома бўйича юзага келувчи барча низолар ва келишмовчиликлар Тошкент шахри Иқтисодий суди томонидан Ўзбекистан Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибга мувофиқ равишда хал қилинади.

#### **6. Шартнома шартларини ўзгартириш ва бекор қилиш**

6.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаганидан сунг ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тулиқ бажаргунга қадар амал қиласи. Агар «Буюртмачи» кўриб чиқиш ва оферта қабул қилиш учун шартномани олганидан кейин 2 кун давомида ўз томонидан шартноманинг имзоланган нусхасини «Бажарувчи» га қайтармаса, у холда шартнома имзоланмаган ва қонуний кучга кирган эмас деб хисобланади.

6.2. Агар «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 2.2.-моддасида кўзда тутилган тўлов муддатларига риоя қиласа, у холда «Бажарувчи» шартномани бир томонлама бекор қиласи.

6.3. Агар «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 4.2.- моддасида кўзда тутилган мажбуриятларга риоя қиласа, у холда «Бажарувчи» шартномани бир томонлама бекор қиласи.

6.4. Иккала томонларнинг розилиги билан шартнома бекор қилинганда ва шартномада кўзда тутилган ишлар «Бажарувчи» томонидан қисман бажарилган холларда, «Буюртмачи» ишларнинг бажарилган қисми учун хак тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда «Буюртмачи» ишларнинг бажарилган қисми учун тўланадиган сумма бўйича хисоб-китоб ишларига нисбатан эътиroz билдириш хукукига эга бўлмайди.

6.5. Бошқа барча холаларда шартноманинг бекор қилиниши факат томонларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

6.6. **Бажарувчи ўз шартномавий мажбуриятларини бажарганидан сўнг ушбу қурилишда назорат ўлчови жараёнида аниқланган маълумотлар юзасидан ўз қурилишда назорат ўлчови ишлари суд ва бошқа органлар олдида химоялаш мажбуриятини олади.**

#### **7. Коррупцияга карши қушимча шартлар**

7.1 Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрь кунидаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 6313-сон фармонига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлик тузиладиган шартномаларда мажбурий равишида коррупцияга қарши қушимча шартлар белгиланиши назарда тутилган бўлиб унга кўра, тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тутаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

7.2 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

7.3 Бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан

конунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йул қуйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий еки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот кафолатлади.

7.4. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилиш пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги (коррупцияга қарни қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тухтатиб туришга, бекор қилишига хамда зарарни коплаб беришни талаб қилишга хақли бўлади.

**Назорат ўлчови ишларини бажариш бўйича шартномавий нархларни келишиш  
Қайдномаси**

Келишилган шартномавий нархларга асосан

Шартноманинг келишилган нархи (хисоб-китоби) Узбекистон Республикаси Товар Хом Ашё Биржасига қуйилган Лот № 22110012117545 буйича энг яхши танловда акс эттирилган киймат буйича шакилланиб у 1 990 000 (Бир миллион туккиз юз туксон минг сўм) ни ККС билан, ташкил килади.

**«БАЖАРУВЧИ»**

ООО «I'ROTEKA-C'ONSTRUCTION»

Ташкент вил, Кибрай тумани,  
Ок Ковок МФЙ , Гулистон кучаси, 8 уй  
Х/р: 20208000900878587001,  
МФО 01072, ИНН 305527043  
АКБ «Давр банк» М.Улугбекский ф-ли,  
Тел.: (+99 899) 825 – 25 - 42

**«БУЮРТМАЧИ»**

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Низомий номидаги ТДПУ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кучаси-27-уй, Тел: 276-79-11 276-76-51

Х/р 234 020 003 001 0000 1010

ХКММ Марказий банк бош бешармаси  
МФО 00014 СТИР 201 354 108 ОКОНХ 92 110

Ш/р 400 910 860 262 947 094 100 079 003

Мадди тасирлиги бетаражинани СТИР 201 122 916

«I'ROTEKA-C'ONSTRUCTION» МЧЖ  
директори Ш. Ярмуҳамедов



*б/р. б. Содиров*

*Оригинал Амирзоде А.В.*